



Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, тел.(0-362)41-94-141, факс (0-362)41-94-255
O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi, tel.(0-362)41-94-141, faks(0-362)41-94-255

“ 21 ” август 2020 й.

№ 1365

Янгибозор шаҳарчаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарорига
асосан, “ИХТИЙОР МУХАҲҲО” хусусий
корхонасига Янгибозор туманидаги
Ширинкўнғирот қишлоғининг “Ширинлар”
маҳалласи ҳудудидан яқка тартибда турар-жой
қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қуватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Янгибозор туманида фаолият кўрсатиб келаётган “ИХТИЙОР МУХАҲҲО” хусусий корхонаси раҳбари Б.Юсуповнинг туман ҳоқими номига Янгибозор туманидаги Ширинкўнғирот қишлоғининг “Ширинлар” маҳалласи ҳудудидан яқка тартибда турар-жой қурилиши учун ер майдони ажратиш беришини сўраб ёзган аризасини, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосаси, Вилоят Давлат Экологик экспертизаси маркази давлат унитар корхонасининг, туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг, Янгибозор тумани СЭОМнинг хулосаларига ҳамда туман ҳоқимлигида қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг далолатномаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Янгибозор тумани Ширинкўнғирот қишлоғида “ИХТИЙОР МУХАҲҲО” хусусий корхонаси раҳбари Б.Юсуповнинг туман ҳоқими номига ёзган аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарори, туман ҳоқимлиги билан 19.08.2020 йилдаги 5-сонли келишув шартномаси, туман ҳоқимлигида қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг далолатномаси ва бошқа тўпланган ҳужжатлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. “ИХТИЙОР МУХАҲҲО” хусусий корхонаси раҳбари Б.Юсуповга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарорига асосан, “Ширинлар” маҳалласи ҳудудида тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида маҳалланинг маъмурий биносини қуриб бериш эвазига “Ширинлар” маҳалласи ҳудудидан яқка тартибда турар-жой қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан

Ширинкўнгирот қишлоқ хўжалик ер харитасининг 492к-контуридан 0,32 гектар (3200,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.

3. Буюртмачи “ИХТИЙОР МУХАҲУҲО” хусусий корхонасига:

- Архитектура-режалаштириш топширигини ишлатиш учун мурожаат этиш;

- Тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета хужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;

- “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонини 3 (уч) йил муддат ичида ўзлаштирилмаса ушбу қарор бекор қилиниши қайд қилинсин.

4. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов) га ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда ажратилган ер майдонини бош лойиҳа асосида жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ҳамда қурилишини шаҳарсозлик норма-қондалари асосида назорат қилиш топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) га ушбу ажратилган ер майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастр китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев)га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Тулиев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



У.Курбанов